

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2018 йил 4 майдаги
134-ум-сон буйруғига
17-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими тўғрисидаги
Н И З О М**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (бундан буён матнда Бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом, Вазирлик Ҳайъатининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг (бундан буён матнда вазир деб юритилади) буйруқлари, фармойишлари ва йўриқномалари, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини Вазирликнинг марказий ва ҳудудий таркибий бўлинмалари ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирлик фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, Вазирликнинг расмий веб-сайти, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

Вазирликда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Вазирликнинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида Вазирлик раҳбариятининг чиқишларини ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида Вазирлик фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

махаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

Вазирлик фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида Вазирлик раҳбариятига ахборот бериб бориш;

Вазирлик фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

Вазирлик ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда Вазирлик расмий веб-сайтида жойлаштириш;

Вазирлик фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 18 сентябрдаги 281-ум-сонли буйруғи таҳририда).

5. Бўлим юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

ОАВда, шу жумладан, Интернет тармоғида ахборот эълон қилади (чоп этади), шунингдек, уларни расмий веб-сайтларда, ҳамма кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларга жойлаштириш ва янгилаб боришни таъминлайди;

оммавий тадбирларни, шу жумладан, Вазирликнинг раҳбарлари иштирокидаги тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар)ни ташкил этади ва ўтказади;

ОАВ ва журналистларнинг сўрови асосида уларга оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этади;

қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, ижтимоий аҳамиятга молик муҳим дастурлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боради;

Бўлим олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни Вазирликнинг бошқа тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда тўплайди ва уларни пухта ишлайди;

Вазирлик фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлайди ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилади, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этади;

Вазирлик фаолиятига доир масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга оширади, Вазирлик раҳбариятига ахборот бериш учун эълон қилинган долзарб материалларнинг шарҳларини тайёрлайди;

Вазирлик фаолиятини тўлиқ ва ҳолисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий ОАВ ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Вазирликнинг веб-сайти ташкил этилишини ва уни замонавий даражада юритишни таъминлайди;

Вазирлик томонидан ташкил этиладиган расмий тадбирлардан теледастурлар, роликлар ва лавҳалар тайёрлашда ва уларни монтаж қилишда иштирок этади ҳамда ушбу материалларни белгиланган тартибда сақлаш учун уларнинг архивлаштирилишини таъминлайди;

Вазирлик фаолиятига доир фото, аудио ва видеоматериалларни тайёрлайди ҳамда уларни тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Вазирликнинг фаолият соҳасига алоқадор фото, аудио ва видеоматериаллар маълумотлар банки шакллантирилиши ва юритилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда ОАВнинг Вазирлик фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртманомалари ва сўровларини кўриб чиқади.

Бўлим ўз ваколатлари доирасида бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

зарур бўлган ахборотни Вазирликнинг бошқа тузилмалари, адлия органлари ва муассасаларидан белгиланган тартибда сўраб олиш;

Вазирликнинг йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун Вазирликнинг раҳбарияти билан келишган ҳолда бошқа бўлинмалар ходимларини жалб этиш, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва малакали экспертларини, шу жумладан, шартнома асосида жалб этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ахборот хизматлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Вазир топшириғига кўра давлат органларида, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда Бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Вазирлик номидан вакиллик қилиш;

Ўз ваколатлари доирасида босма нашрларни нашр этиш;

Вазирликнинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, Бўлим фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун киритиш.

7. Бўлим:

Ўзига юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Вазирлик фаолиятининг миллий ва хорижий ОАВда холисона, сифатли ва тезкор ёритилишининг таъминланиши учун жавоб беради.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

8. Бўлимга вазир томонидан лавозимга тайинланадиган Бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи ўз фаолиятида бевосита вазирга бўйсунди ва унинг олдида ҳисобдордир.

Бўлимнинг бошқа ходимлари вазир томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

9. Бўлим бошлиғи:

Бўлим фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилади, Бўлим ишларини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

бир вақтнинг ўзида вазирнинг матбуот котиби ҳисобланиб, ахборот сиёсати масалалари бўйича вазир маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

тегишлича Агентлик ҳулосасини ҳисобга олган ҳолда лавозимга тайинланади;

ҳар уч йилда Агентликда аттестациядан ўтади;

Бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ–2881-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун Бошқарма ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Вазирлик Ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Бўлимнинг иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлайди, уларни тасдиқлаш учун киритади, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Бўлим фаолияти соҳаларига оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритади;

Бўлимда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Вазирга таклифлар тақдим этади, профессионалиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлайди, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўради, Бошқарманинг кадрлар захирасини шакллантиради;

Бўлимда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этади, Бўлимда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун олдиндан кўриб чиқади ва виза қўяди, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий риоя этилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлайди, Вазирлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этади;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2142-сон ва 2017 йил 3 августдаги “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга оширади, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлайди;

Бўлим ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилади, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитади, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни кўради;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этади;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Бўлимда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўради, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди, таҳлил қилади, бартараф этади;

Бўлимда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишини таъминлайди, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўяди, мунтазам равишда шахсий, шу жумладан сайёр қабуллар ўтказади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилади, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4904-сон Фармониға мувофиқ фаол иштирок этади, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган муурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминайди;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади;

Вазирлик раҳбариятиға ходимларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Бўлим ходимларидан меҳнат интизомини бузганлик, юклатилган вазифаларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаганлик ҳолатлари юзасидан тушунтиришлар олади;

Вазирлик Ҳайъат мажлисида муҳокама қилиш учун Вазирлик раҳбариятиға таклифлар киритади;

Бўлим фаолиятиға дахлдор масалаларни муҳокама қилиш, иш режа ва бошқа топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Бўлимнинг барча ходимлари иштирокида мунтазам равишда тезкор йиғилишлар ўтказилади;

ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди.

Бўлим бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 18 сентябрдаги 281-ум-сонли буйруғи таҳририда).

10. Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарияти билан келишилган ва тасдиқланган мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

11. Бошқарма ходимлари хизмат вазифаларини бажариш вақтида, юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиққанликлари, шунингдек ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари ва хизмат этикаси қоидаларини бузганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортилади.